

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 1 март • сешанба № 9 (1005)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.uz

Эски, лекин эскирмайдиган ибора

Бир болага етти маҳалла ота-она



Дилмурод РУСТАМОВ коллажи

ЖАННАТМАКОН юртимизнинг тунлари сокин, тонглари фусункор, кунлари эса файзу тароват билан бошланади. Ҳатто катта, сершовқин шаҳарларда ҳам саҳар сукунати, энг аввало, қушларнинг бирин-кетин чутурлаши бузади. Қушлар тинчликсевар бўлишади. Улар осойишта, обод жойлардагина шундай яйраб сайрайди. Бу юрт одамлари худди қушлар каби, қуёшни тоза юрак, покиза орзу ниятлар ва эзгу амаллар билан қарши олишади. Қуёш ҳали бош кўтармай, Санобар ҳовлини сув сеппиб супуриб, чиннидай тозалаб бўлди. Қилган ишдан кўнгли тўлғач, бир қўлида челақ, иккинчисидан супургисини кўтариб кўча томон юрди. Ён-атрофидан уйлорга назор тўшлади. Қўшнларнинг кўча эшиги олди топ-тоза, шилқиллатиб сув сеппилган, йўлак четига экилган гуллар ҳам яқиндагина сугорилгани учун баргларида томчилар йилтирайди.

— Раҳмат қизим, барака топ, — деди маҳалла оқсоқоли Ҳасан ота қизанинг саломига алик олarkan. — Нариги кўчадаги Умрзоқ аканнинг танийсан-ку а? Бутун уларникида ҳашар, унингнинг томини ёпамиз. Даданга ҳам айтиб қўй, эрталоқ бороверсин.

Ойла эълолари дастурхон бошида жамулжам бўлганда, Санобар маҳалла оқсоқолининг гапини отасига етказди. — Эсимда, кеча маҳалла йғинида шу ҳақда келишган эдик. Умрзоқ жўжабирдай жон, бунинг устига йил бошида кетма-кет ота-онаси вафот этди. Янги иморатининг томини ён-сочинга қолдирмай, ёппи олишга ёрдам бермасак бўлмайди.

— Дада, мен ҳам ҳашарга борсам майлими, Умрзоқ акага ёрдам бергим келаяпти, — гапга аралашди кенжатай Ботир.

— Албатта, борасан ўғлим. Чой-пой ташиб турасан. Онансиз, сиз ҳашарчиларга иссиқ овқат қилиб тушликка бериб юборарсиз.

— Биз маҳалла аёллари бу юмушни кеча бўлишиб олганмиз. Фазилатхон билан мен нон, чой, мевачевасини кўтарадиган бўлдик.

Дастурхон тўрида ўтирган буви уларнинг ишини маъқуллаб, дуога қўл очди. Яратқандан элу юртимизга тинчлик-хотиржамлик, хонадонларимизга файзу барака, ёшларга узоқ умр, ҳар бир инсонга мустақкам имону эътиқод тилади.

Бу манзара ҳаммамизга яхши таниш. Биз улайган, фарзандларимиз унинг-ўсаётган Ватанимиз ичра ватан бўлган маҳалла манзараси. Ҳар бир ўзбек хонадонининг оддий кунлари мана шундай самимий, бутун дунёга аталган оппоқ ниятлар билан бошланади.

Дарҳақиқат, қувончу ташвиши ҳам бирга баҳам кўриш, бошга бахт қўнганда ҳам, иш тушган онларда ҳам бир-бирига ҳамдард ва ҳамнафас бўлиш халқимизга хос бўлган улғу хислатлардан биридир. Маҳалла эса инсонлар ўртасидаги бу қоби ҳамжиҳатлигининг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан «маҳалла — отанг, маҳалла онанг», деган гап бежизга айтимасан. Дунёдаги энг улғу зот ота-онага меънашайрилган маҳалла аталмиш муқаддас даргоҳда ўғил-қизларимиз одоб-ахлоқ, ор-номус, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрлик, тинчлик-тотувлик ҳамда меҳр-мурувват руҳида тарбия олади, камол топади. Маҳалла аҳлининг инсонпарварлиги кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, ёлғизларга, етимларга, ночор кишиларга бўлган меҳр-муруввати, эътиборида номан

бўлади. Шу жиҳатдан маҳаллани элу юрт қорига ярайдиган мард ўғлонлар, гулгунчадек ибони қизлар учун ўзига хос бетакор таълим-тарбия маскани дейиш мумкин. Юртбошимиз таъбири билан айтганда «...асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини таппиб келади. Тўй маракалар ҳам, ҳайити ҳашарлар ҳам маҳалла ахлиси ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келатган тафаккур тарзидир. Шунингдек, маҳалла маънавий-ахлоқий қадриятлар ўқити-дир».

Хусусан, ўзбекона саломлаштириш ҳикмати беқийс. Ёшлар ўзидан катта инсонларни кўрганда, таниш ёки нотанишлигидан қатти назор қўлини кўксига қўйиб, ахтиром билан салом берадилар. Нуруний боболаримиз ва момоларимиз эса, ўз навбатида, уларни энг яхши ниятлар билан дуо қиладилар, алқайдилар, уларга узоқ умр, бахт-саодат тилайдилар. Жонсерак, меҳрибон бувижонларимизнинг «чирғим», айланай», «жоним садақ» деган ширин, самимий сўзлари бола кўнглини юмшатади, уларнинг қалбига раҳм-шафқат руҳини сингдириб, ота-она ва бошқа кишилар билан нисбатан ўзгача ҳурмат-эҳтиром тўғйуларини шакллантирилади.

Маҳалла кишилари кўча-қўйда салгина тарбияси бўшроқ, ноқўн хатти-ҳаракат қилган болани учратиб қолгудек бўлса, унга яхши сўзлар билан насихат қилиб, «сенинг ота-боболаринг ҳурматли инсонлар, аждодларингга муносиб бў», қабиллик, бундай муомала ҳар қандай болага ижобий таъсир кўрсатиб, уни ҳеч ким ҳеч қачон тўғри йўлдан тойдирма олайди.

3

Қонун ижодкорлигини
такомиллаштиришнинг
асосий йўналишлари

Амалдаги қонун ҳужжатларининг инвентаризацияси

Иккинчи мақола

ЎЗБЕКИСТОН демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш каби стратегик мақсадни амалга ошириш борасида депутатлар доимий равишда, профессионал асосда ишлабдиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва шунингдек, ҳудудий вакиллардан иборат қонунчилик органи — икки палатали парламент Сенатнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натижада қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди, уларда минтақалар, тармоқлар ва давлат умумий манфаатларининг мутаносиблиги тобора самарали татбиқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аввалги таркибининг фаолияти мобайнида 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Айниқса, 2010 йил ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳам сиёсий, ҳам суд-ҳуқуқ, ҳам иқтисодий ислохотларнинг стратегик дастурига айланди.

Концепцияда қўйилган вазифаларни бажариш йўлида парламент томонидан қабул қилинган қирқдан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим омили бўлди.

Умуман ана шу даврда яратилган мустақкам меъёрий-ҳуқуқий асос глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан барқарор суруятлар билан ривожлантиришнинг муҳим омилга айланди.

Шу билан бирга Президентимиз 2015 йил 23 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолиятини ҳолисона баҳолаган ҳолда парламент фаолиятида кўзга ташланган муайян камчилик ва жиддий нуқсонларни кўрсатиб берди:

Биринчидан, Олий Мажлис қонунни, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор бермапти; **Иккинчидан**, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламапти;

Учинчидан, Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини мунтазам ўрганиш ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмлар яратилмаган;

Тўртинчидан, қўпичча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ишламапти. Бунинг сабаби — ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмаганида ҳамда мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қўноқли ҳужжатлари қиқирлаб турганидир. Уларсиз эса бу қонунларда белгиланган қондалар умуман ишламапти;

Бешинчидан, парламентда қабул қилинаётган, ижро механизмлари ага бўлмаган қонунлар «ҳавода осилиб, муаллақ бўлиб» қолимоқда, мантиқий ақунга — ҳуқуқни қўллаш босқичига олиб борилапти.

Давлатимиз раҳбари бунга мисол тариқасида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мурофи 2014 йилнинг май ойида янги тахрирда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун тўлиқ ишламаётганини келтирди. Ушбу Қонун қабул қилиниши билан бир пайтнинг ўзида унинг ижросини таъминлайдиган ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, хусусан, маъмурий, жиноят, ҳўжалик қонунчилигида маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаганилиги сабабли акциядорлар, энг аввало, акциядорнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдалана олмапти, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатишмапти. Корпоратив бошқарув тизими ривожланган мамлакатларнинг қонунчилигида эса жавобгарлик, суд ҳимояси, корпоратив муносабатлар ва улар билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг деярли барчаси қамраб олинган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган камчилик ва жиддий нуқсонларни бартараф этиш, қонун ижодкорлигини давр талабларига мослаштириш мақсадида илк бор амалдаги қонун ҳужжатларининг инвентаризациясини ўтказди. Ушбу инвентаризацияни ўтказишнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:

Биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг тақдир қилиниши ва қўлланилиши бир хил бўлишига эришиш; **Иккинчидан**, қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш; **Учинчидан**, қонунчиликдаги «ҳуқуқий бўшлиқлар»ни тўлдирish;

Тўртинчидан, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари амалдаги 300 га яқин қонун ҳужжатлари 11 йўналиш бўйича инвентаризация қилинди. Шу жумладан: — бюджет ва иқтисодиётга оид — 57 та қонун ҳужжати; — суд-ҳуқуқ соҳасида — 58 та қонун; — меҳнат ва аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиш соҳасида — 24 та қонун;

— муҳофаа ва хавфсизлик соҳасида — 23 та қонун; — халқаро муносабатлар бўйича — 17 та қонун; — саноат, қурилиш ва савдога оид — 30 та қонун; — таълим, маданият, спорт, туризм бўйича — 39 та қонун, шунингдек, 300 тадан ортиқ қонунли ҳужжатлари; — фуқаролик жамияти институтлари бўйича — 21 та қонун;

— ахборот ва инфоромацион технологиялар бўйича — 20 та қонун.

Қонун ҳужжатларини инвентаризация қилиш жараёнида ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар, нодавлат но-тихорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари жалб қилинди.

Қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш натижасида 15 та янги қонун, 10 та қонунни янги тахрирда қабул қилиш, 40 дан ортиқ қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда қонун ҳужжатлари инвентаризациясини давом эттириш лозимлиги ҳам кўрсатилди.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Адлия қоралашгач...

Инкассо талабномаси корхона ҳисобварағидан олинди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил давомида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 5279 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан қўлланилган таъсир чоралари натижасида 121 нафар шахс интимиомий жавобгарликка тортилди, 6 та ноқонуний қарор бекор қилинди, қиритилган тақдирномаларга асосан тадбиркорлик субъектларига 1.234.000 сўм маблағ қайтарилди.

Шунингдек, вазирлик томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини юритиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йил мобайнида вазирлиқнинг «Ишонч телефонига» жами 37 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 16 таси қаноатлантирилди ва 17 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Мурожаатларга асосан 5 та тақдиминома қиритилди, унга қўра, 2 нафар шахсга интимиомий жазо чораси қўлланилди ва 4.421.900 сўм ундирилди.

Масалан, вазирликка Хўжалик туман «ХУЖАЙ БЕК ТЕХ СЕРВИС» МЧЖ директори Н.Бек-ниязовнинг туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳисобланган солиқ миқдоридан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганилди.

Давлат солиқ инспекциясининг талабномасига қўра, қорхонанинг 2012-2014 йиллар давомида топириб келган ҳисоботларига асосан қорхонага солиқлар ҳисобланиб, жами 2.989.138.22 сўм асосий қарз ва 1.062.611.20 сўм пеня ҳисобланган, уларни ундириш учун қорхона ҳисобварағига инкассо талабномаси қўйилган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида кўрсатилган амалий ёрдам натижасида жамият томонидан ўтган йиллар учун топирилган солиқ ҳисоботлари аниқлаштирилиб, 2015 йил 21 декабрь ҳолатига қарздорлик йўқолиб, аксинча, 1.826.570.38 сўм миқдорда солиқлардан ортиқча тўлов юзасига келган ва қўйилган инкассо талабномаси қорхона ҳисобварағидан олиб ташланишига эришилди.

Ботир ДАВКАРАЕВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

Тадбир

Юридик хизмат ходими ўқитиш ва аттестациядан ўтказилиши таъминланди

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҳокимлигида Адлия вазирлиги томонидан «Давлат органларида юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги юридик хизмат ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат органларида юридик хизмат аҳоли Олий Мажлис ҳамда ҳукумат раҳбарлиги томонидан тақтилган селектор мажлисида муҳокама қилиниб, унинг натижаси бўйича қабул қилинган қарорга мувофиқ ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳар бир давлат органи юридик хизматнинг функционал вазифалари ўрганилиб, адлия органлари билан келишилган ҳолда уларга қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида минимал талаблар ишлаб чиқилиб, ижрога юборилди. Унга қўра, малака оширмасдан келатган юридик хизмат ходимларининг 251 нафари ўқитилиши, 129 нафари аттестациядан ўтказилиши таъминланди.

Шунингдек, ҳозирги кунга қадар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, хусусан, тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қирдалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш бўйича аниқ бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди. Мазкур бўшлиқни тўлдирishi мақсадида Адлия вазирли-нининг 2015 йил 25 декабрдаги буйруғи билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти тасдиқланганлиги таъкидланди.

Мазкур услубиёт ҳуқуқни қўллаш жараёнида коррупциядан қўринишларга олиб келиши мумкин бўлган омилларни аниқлаш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартибини белгилаб беради.

Семинар ақунда давлат органлари юридик хизмат ходимларининг қизиктирган саволларига жавоблар берилди, шунингдек, улар томонидан билдирилган мулохазалар ва тақлифларни қўриб чиқиш, юридик хизмат фаолиятини тартибга солуви қонун ҳужжатларини янада такомиллашти-ришга қаратилган зарур тақлифлар киритиш белгилаб олинди.

Файруз МИРЗАЕВ,

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими



«INSON VA QONUN»
ҳуқуқий газетасига ойна бўлини!
Обуна нарси — 137.
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
website: minjust.uz
Тел/факс: 209-19-97



«HUQUQ VA BURCH»
иқтисодий ҳуқуқий журналга ойна бўлини!
Обуна нарси — 902.
e-mail: info@huquqvaurch.uz
website: huquqvaurch.uz
Тел/факс: 259-04-24



«Adolat»
«Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳуқуқлари тўғрисида»
ҳудудий расмий нашрига ойна бўлини!
Обуна нарси — 946.
e-mail: adolat@minjust.gov.uz
website: adolat.uz
Тел/факс: 255-26-45



«Adolat»
«Ўзбекистон Республикаси давлатро шартномалари тўғрисида»
расмий нашрига ойна бўлини!
Обуна нарси — 916.
e-mail: adolat@minjust.gov.uz
website: adolat.uz
Тел/факс: 255-26-45



«Adolat»
«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
www.adliya.uz расмий веб-сайти орқали
Сиз фаолиятга оид батафсил
маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

Қонун моҳияти

Тадбирли танг қолмайди

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, соҳа вакилларига қўлай имконият ва шарт-шароитлар яратиш, шахсий ташаббусни рағбатлантириш, қўлай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш борасида олиб борилган кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлик фаолияти иқтисодийнинг жадал ривожланиётган тармоқи, давлат ва жамиятнинг мустақам иқтисодий таъини сифатида барқарор ўсиб бормоқда.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тизимларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлади. Маълумки, 1991 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги ўлуши бор-йўғи 2 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 31 фоизга, 2015 йил якуни бўйича эса қарийб 56,7 фоизга етди. Хозирда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ ҳўжара маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқаришда, иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи фаолият олиб бормоқда. 2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ ҳўжарада яратилди. Коллежаларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар ошган.

Иқтисодий соҳада босқичма-босқич амалга оширилётган бу каби чора-тадбирлар натижасида аҳоли даромадлари таркибиди тадбиркорлик фаолиятдан олиналган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу фойдадан 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу МДХ мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

2015 йил 20 августдаги **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ри-**

вожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар тизимида муҳим ўзгаришларни намойён этди.

Қонун ўзининг ҳажми ва мазкур нормаларнинг мазмунини бўйича ҳам тарихий аҳамият касб этади. Жумладан, ушбу қонунда жами 32 та қонун ва 10 та кодексга ўзгариш ва қўшимчалар назарда тутилган бўлиб, тадбиркорлик соҳасидаги қўлаб тартиботлар бекор қилинди ёки янада соддалаштирилди. Шунингдек, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига қарши ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари янада такомиллаштирилиб, кенгайтирилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс “Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилганлик, қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ҳамда ҳўжаллик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъжовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик”, деб номланган XVI боб билан тўлдирилди.

Бу эса бир томондан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш чораларини такомиллаштирган бўлса, бошқа томондан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда мазкур йўналишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирди. Зеро, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган қўлаб ҳаракат ва ҳаракатсизликлар маъмурий жавобгарлик доирасидан четда қолаётган эди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кодекснинг XVI бобида айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Хусусан, **241¹-моддада** назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органларининг ва давлат ташкилотларининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулк ҳуқу-



қини бузганлик учун, **241²-моддада** тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-ҳўжаллик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди. Айтиб ўтиш жоизки, текшириш асослари ва тартиби маъмурий ҳуқуқнинг йирик институтларидан бири сифатида нисбатан мураккаб мазмунга эга. Масалан, **“тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш”**, дейилганда тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай баҳарлаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши, **“тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжаллик фаолиятини тафтиш қилиш”**, дейилганда солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерияси, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳўжатларини ўрганиш ва таққослаш тушунилади.

Шунингдек, юқоридаги кодекснинг **241³-моддасида лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик** учун жавобгарлик белгиланганди. Муқаддам шу борадаги қатор ҳуқуқий ҳўжатлардаги қоидаларга биноан лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳўжатларини беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан, лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турлари қонунга ҳилоф равишда жорий этиш ман этилган бўлиб, мазкур ҳўжатлар учун тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиланган эди.

241⁴-моддада имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этган-

лик, қўлламаслик ёки қўллашга тўсиқлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди. Қайд этиш керакки, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу — уларнинг турли имтиёзлар ва преференциялари ҳисобланади. Қўлаб қонун ва қонуности ҳўжатларига биноан тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар ва преференциялар жорий этилган ва ушбу имтиёзлар ва преференцияларнинг амалга оширилиши ёки қўлланилиши асосан муайян мансабдор шахслар ва хизматчилар қарорларига боғлиқ бўлади.

241⁵-моддада ҳўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асосиз равишда кечиктирганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Эндиликда бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотлар билан бирга ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳам ушбу тўловларни тўламаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиб, ҳўжалик юритувчи субъектлари, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳам бу борадаги ҳўқуқ ва манфаатлари қонун билан муҳофаза этилиши янада мустаҳкамланди.

241⁶-моддада тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга ҳилоф равишда талаб қилиб олганлик учун жавобгарлик белгиланди. Конституцияимизнинг 36-моддасида банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши белгиланган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборот қонун ҳўжатларига биноан қўзғатилган ҳўқуқбузарлик факти юзасидан ҳамда текширишлар жараёнидаги на белгиланган тартибда олиш мумкин.

241⁷-моддада тадбиркорлик субъектларидан

қонун ҳўжатларини бузган ҳўлда ҳўжатлар талаб қилиб олганлик учун жавобгарлик белгиланди. Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятлари юзасидан давлат органларига қонун ҳўжатларига биноан белгиланган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш, лицензиялаш ва рухсат бериш жараёнида тегишли органга рўйхати аниқ белгиланган ҳўжатларни тақдим этиши зарур. Мазкур ҳисоботлар ва ҳўжатларни қонунда назарда тутилмаган тартибда ва асосларда талаб қилганлик учун МЖТКнинг 241¹⁰-моддасига асосан жавобгарлик вужудга келади.

241¹¹-моддада кўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, тадбиркорлик субъектлари ҳўқуқларининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Муқаддам ушбу ҳўжатлар учун тўғридан-тўғри жавобгарлик нормалари мавжуд эмас эди. Кўчмас мулкни бузиб ташлаш асослари ва тартиби ҳамда олиб қўйилганда ер участкасидаги тадбиркорлик субъектларига тегишли биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки зарарнинг ўрнини қоплаш юзасидан тадбиркорлик субъектлари хусусий тартибда судга даъво билан мурожаат қилишлари мумкин эди.

Кодексга киритилган янги моддалар бўйича ҳўқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тегишлилиги ва уларни қўриб чиқиш тартибига оид тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, кодексга янги киритилган 61¹, 193¹ ва 193²-моддаларда ҳамда XVI бобда кўрсатилган ҳўқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар қўриб чиқиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган мазкур ўзгариш ва қўшимчалар хусусий мулк ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳўқуқ ва манфаатларини маъмурий ҳимоя қилиш механизмининг янада такомиллаштириб, бозор муносабатларини янада ривожлантиришга, бу эса, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятининг мулкий асосларини мустаҳкамлаш бораберида мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Омонулла МУХАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори

Кузатув

“Тоza қўллар” доктринаси
ноқонуний ҳаракатларга қарши

АДОЛАТЛИЛИК тамойили халқаро ҳўқуқнинг бир қисми бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро суди томонидан ҳўқуқий жиҳатдан бошқа ҳўқуқ нормалари каби бир хил қабул қилиниши тасдиқланган. Халқаро трибуналлар томонидан шу каби тамойиллар инвестициявий шикоятларда ноқонунийлик факти аниқланган пайтда мурожаатнинг кўрилишини таққослаш ёки тўхтатишга асос бўлиши мумкинлиги белгиланган. Мазкур тушунча **“Тоza қўллар” (Clean hands)** доктринасида ўз ифодасини топади. Бу ҳақда халқаро ҳўқуқнинг етуқ намоёндаларидан бири Жеральд Фицморис шундай деган: **“Кимки адолатнинг қарор топишига умид қилиб келган бўлса, у “Тоza қўллар”, яъни инвестициявий ҳўқуқликда ноқонуний ҳаракатларни амалга оширмаган ҳўлда келсин”.**

Дарҳақиқат, ушбу доктринанинг халқаро ҳўқуқда қўлларни соҳалари ва чегаралари ҳозирги қўнға қадр баъзи бир баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Шунингдек, унинг икки томонлама ёҳуд қўн томонлама инвестициявий келишувларда акс этиши эса трибуналлар томонидан уларга нисбатан ҳўқуқий тушунтиришлар берилишини талаб этмоқда.

Жаҳонда ҳар бир давлат ўз иқтисодийтини ривожлантириш мақсадида чет эл инвесторлари учун имкониятлар яратди. Уларнинг ҳўқуқий кафолатларини таъминлаш борасида битимлар тузади. Ўз ўрнида инвесторлар ҳам инвестиция киритган мамлакатнинг ички қонун-қоидаларига бўйсунуши ва қонунбузарликлардан ўзини тийиши кўрсатилади. Аммо айрим инвесторлар чет давлат ҳўқуқига ўз сармоясини киритиб, ҳар хил йўллар билан мазкур давлатнинг қонунларини четлаб ўтган ҳўлда фаолият юритиш ҳўлатлари ҳам кузатилади. Агарда орада иқтисодий низо келиб чиқса, инвестицияни қабул қилган давлат халқаро арбитражга инвестор томонидан **“Тоza қўллар”** доктринасига қарши келадиган ҳўлатларга йўл қўйилганини ёзма равишда келтириш ҳўқуқига эга. Шунингдек, трибунал мазкур ҳўлат юзасидан фактни аниқласа, инвесторнинг мурожаати рад этилиши ва ортиқча ҳаражатларнинг сарф этилишининг олди олинади.

Жумладан, Инвестициявий низоларни ҳал этиш бўйича Марказда Инсеуса, инвестор (Испания) ва El-Salvador ўртасида келиб чиққан низода икки томон ўртасида тузилган шартномада **“...қонунларида белгиланган тартибда...”**, яъни инвестицияни қабул қилиб олаётган давлатнинг қонунларида белгиланган тартибда фаолият юритиш ва акс ҳўлда шартнома шартларининг бузилиши тушунилиши белгиланган.

Мазкур низо юзасидан халқаро арбитраж инвесторнинг мурожаати юзасидан Марказнинг юрисдикцияси йўқлиги ва икки томонлама шартномада белгиланган қоидалар бўйича унинг инвестицияси ҳимояланмаслиги юзасидан қарор чиқаради.

Шу билан бирга, ўз иқтисодий низоларини халқаро трибуналга олиб чиқаётган томонлар, нафақат давлат инвесторларнинг ҳўқуқларини бузганлик учун, балки инвестор давлатнинг мавжуд қонун-қоидаларга риоя этмаганлиги учун ҳам белгиланган тартибда низоми муҳокамасига қадр ёзма мурожаатлар ва бошқа қўшимча манбалар билан киритиши мумкин.

Бу, ўз навбатида, ортиқча сарф-ҳаражатларнинг олдини олади ва низога киришайтган давлатнинг сиёсий обрў-эътиборининг мустаҳкамлашига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизга ўз сармоясини олиб кирмоқчи бўлаётган чет эл инвесторлари билан битимлар имзолашда мазкур тамойилларга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Фаррух ТҲҲИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Талқин

Юксак ҳўқуқий маданият
баркамоллик белгисидир

ДЕМОКРАТИК ҳўқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қўриш йўлидан бораётган республикамизда фуқароларнинг ҳўқуқий онги ва ҳўқуқий маданиятини юксалтириб бериш муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз Президентимиз таъкидлаганидек, **“Ҳўқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳўқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда ҳўқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳўқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳўқуқий ҳўжатларга нисбатан чуқур ҳўрмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳўқуқий нормалар одамлар онгига синган ва улар амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади”.**

Халқаро тажрибадан маълумки, жамиятнинг ҳўқуқий маданияти даражасини юксалтириш бўйича Миллий дастур қабул қилиш дунё парламентлари амалиётида жуда кам учрайди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган **“Жамиятда ҳўқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”** эса аҳолининг барча қатламларида ҳўқуқий саводхонликни ошириш, ҳўқуқий туғилмалари ҳаётда қўллаб билиш қўникмаларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этганини кузатиш мумкин. Айниқса, Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”**ги Фармойиши Конституцияимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳўқуқий онги, тафаккурини юксалтириш мақсадларини амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фармойишга кўра, Конституцияимизни ўрганиш бўйича мамлакатимизда изчил тизим барпо этилди ҳамда таълим тизимининг барча босқичлари учун тегишли дарсликлар, ўқув қўлачлар ва рисолалар яратиб берилди. Хозирда улар таълим тизимида турли шакл, восита ва усулларда қўлланилаётгани бос, ўз самарасини бермоқда.

Баркамол инсонга хос бўлган фазилатлардан бири бу — юксак ҳўқуқий маданиятга эга бўлишдир. Ҳўқуқий маданият ҳар бир фуқародан амалдаги қонунчилик асосларини билиш ва улардан фойдалана олиш қўникмаларига эга бўлиш билан бирга уларга итоаткорликни ҳам талаб этади. Мавжуд ҳўқуқий тизим ва амалдаги қонунчилик ҳақида зарур билимларга эга бўлган фуқароларгина ўз ҳўқуқ ва бурчларини бажариб, манфаатларини ҳимоя қила оладилар.

Дарҳақиқат, ҳўқуқий маданият ҳар бир шахснинг қонунга, давлат томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этишдаги ҳўлқ-автори ва муносабатини билдиради. Шахс ҳўқуқий маданиятга бўлиши учун эса фақат қонун нормаларининг билиши кифоя қилмайди, балки энг асосийси, қонун талабларини бажариши, уларга ҳўрмат билан қарashi, қонун олдида ўз бурчини ҳис қилиб туриши лозим.

Фаина ПАК,
Тошкент юридик коллежи кафедра мудири,
олий тоифали ўқитувчи

Жараён

Қонунчилик ҳўжатларини тизимлаштириш
ҳўқуқий тартибни таъминлайди

МАЪЛУМКИ, қонунлар миллий-ҳўқуқий тизимнинг асосини ташкил қилади. Ҳар қандай давлат шу тизим асосида ривожланиб боради. Бинобарин, қонун жамият ва давлат қўрилишининг асоси, ҳалқ иродасининг олий ифодаси ҳамда мамлакатда ҳўқуқий тартибни таъминловчи муҳим восита ҳисобланади.

Норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни (қонунчиликни) тизимлаштириш де-ганди мазкур ҳўжатларни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган фаолият тушунилиб, у ҳўжатларни белгиланган ва ўзаро ички боғланган тизим ҳўлига келтирилиши англатилади.

Юридик адабиётларда қонунчиликни тизимлаштиришнинг шакллари сифатида кодекслаштириш, инкорпорация, консолидациялар кўрсатиб ўтилади. Уларнинг орасида кодекслаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Кодекслаштириш — қонунчилик ҳўжатларини тизимлаштиришнинг энг юқори шакли бўлиб, мазкур амал туфайли қонунчилик тармоқидан муҳим ҳўқуқий нормаларни маънавий бирлаштирувчи комплекс ҳўжат (кодекс) вужудга келтирилади. Кодекслаштиришда норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар шунчаки, оддийгина тўғлаб бириштирилмайди, балки ҳўқуқий тизимнинг умумий принциплардан келиб чиқиб, тармоқдаги барча норматив материал ички мутаносиб, бир бутун ва илмий тизимлаштирилган ягона акт

қўринишда баён этилади. Кодекслаштирилган ҳўжатларнинг кенг тарқалган тури бу кодексдир. Кодекс — муайян ҳўқуқ (қонунчилик) соҳасидаги устувор нормаларни ифода этувчи, муассасмалаштирувчи қонун бўлиб, у катта миқдордаги турли хил нормаларни қамраб олса ҳам, ички мувофиқликка эга бўлган ягона бир бутун актдир. Унинг таркибий қисмлари (нормалар, институтилар) ўзаро узвий алоқадор бўлиб, муайян тизим тарзида жойлаштирилади. Аънаъга кўра, қонунчилик соҳаларида ўйғунлаштирувчи ва бошқарувчи фаол марказ ролини тевгишли кодекслар ўйнайди. Кодекс оддий қонундан ўзининг муқаммаллиги, сайжал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилади.

Кодексдан ташқари кодекслаштирилган актларнинг устас ва низоми шакллари мавжуд. Улар ўз мазмунини ва вазифасига биноан бир-биридан фарқ қилади.

Устас — бошқарувнинг у ёки бу соҳасидаги муайян идора, вазирлик ва ташкилотлар фаолиятини тартиб-

га солувчи нормаларни ўзига акс эттирувчи кодекслаштирилган актдир. Низо — муайян давлат тузилмаларининг (жамоат бирлашмаларининг) ташкил этилиш тартибини, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгилувчи мажбурий кодекслаштирилган акт.

Таъкидлаш жоизки, бутунги кунда мамлакатимизда ҳўқуқий демократик давлат қўриш бўйича амалга оширилган ислохотлар ва миллий-ҳўқуқий тизимнинг муғтазам равишда такомиллашуви натижасида норматив-ҳўқуқий ҳўжатларнинг миқдор ҳўжатдан йилдан-йилга қўлайиб бораётганлиги, амалдаги қонунчиликни тизимлаштириш юзасидан кенг қўламли вазифаларни илгари сурмоқда.

Бу борада Президентимиз 2010 йил 27 январда Олий Махлис палаталари қўша мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, **“...қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тўбдан ахшиллаш талаб этилади. Уларнинг қўпқилиги амалдаги қонун ҳўжатларига ўзгариш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашнинг ҳаракатига, яъни, муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас”.** Шу сабабли қонунчиликни тизимга солиш, айниқса, кодекслаштириш масаласи долзарб аҳамиятга эгадир.

Фурқат ТАГАЕВ,
мустақил тадқиқотчи

Эски, лекин эскирмайдиган ибора

Бир болага етти маҳалла ота-она

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Зухра МАМАНОВА,
Тошкент вилояти Янгийўл
туманидаги 46-мактаб
ўқитувчиси:

Мактабимизнинг барча ўқитувчи ва ўқувчилари бир-бирлари билан қондош жондош бўлиб кетишган. Бу, энг аввало, шу маҳалла аҳлининг аҳиллиги, ҳамжихатлиги, бир-бирига елкадош, ҳамфикр, ҳамдардлиги ва "болаларнинг бегонаси бўлмайди" қабилидаги ҳаётий қарашлари боис, деб ўйлайман. Шу руҳда, шу муҳитда вояга етаётган ўқувчиларимизнинг ҳулқ-атворида миллий кадриятларимиз, маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Мисол учун, бокучисини йўқотган, кам таъминланган оила ва ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, хашар йўли билан уй-жойларини обод қилиш, байрам кунлари уларни йўллаш анъанага айланган. Мактабимизда ҳам юқори синф ўқувчиларининг ташаббуслари билан ҳар ҳафта "Меҳр-шафқат" кунини ташкил қилинган. Бу кунлари ўқувчилар навабати билан ёлғиз қарияларнинг, имконияти чекланган инсонларнинг уй юмушларига ёрдам беришди, уларга газета, журнал ва китоблар ўқиб беришди, хуллас, қўлларидан келгунча ёрдам беришга ҳаракат қилишди. Қишлоғимизда ўзи мактабга келишга имкони йўқ, яъни ноғирон бола бор. Албатта, унга бириктирилган ўқитувчилар уйига бориб дарс беришди. Бундан ташқари, алоҳида таъкидлашни истардимки, ўқувчиларимиз ҳар кунли шу бола билан қўшимча ўқув-машғулотни ўтказишди, сайрга олиб чиқишди, унга ҳар томонлама маънавий кўмак беришди. Ҳозирда бу ўқувчимиз ясаган ҳунармандчилик буюмлари республикамизнинг турли қорғазмаларида намойиш этилиб, юқори соҳирларга сазовор бўлмоқда. Келгусида у жамиятимизнинг фард аъзоси, қўли гул наққош бўлиб етишадиган. Бунда, албатта, нафақат мактабимиз жамоаси, бутун қишлоқ аҳлининг хизмати бор.

Рўзихол НАВРУЗОВА,
Навоий вилояти Нурота
туманидаги "Сангор" қишлоқ
фүқаролар йиғини раиси:

— Ҳар бир оиланинг ўз касб сулоласи бўлганидек, қишлоқ овули, маҳаллаларнинг ҳам ўз ўқ тарихига эга касб-хўнар сулоалари мавжуд. Юртимиздаги ақсарият маҳаллалар ҳам шу хўнарга нисбатан номланган. Масалан, зардўзлар маҳалласи, этикдўзлар маҳалласи, дурадгорлар ёки тўқувчилар, темирчилик, сандикчилик маҳалласи, Маҳалла ёшларни касб-хўнарга йўлловчи, уларга миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатувчи, иш билан таъминловчи маскан ҳамдир.

Маъмулми, ҳар қандай номаъқул ишлар бекорчиликдан келиб чиқадиган. Фойдали меҳнат билан банд бўлган, ўзлари қизиққан касб-хўнар билан шуғулланадиган ёшлар ҳар қачон ёмон йўлга қирмайдиган. Мўмай даромад илтифатга ўзга юртларга бориб, турли илтифатларга дучор бўлишмайди. Шунингдек, болаликдан меҳнат қилиб ўрганган киши ҳаётининг қадрига етати.

Маҳалламизнинг "Сангор", деб аталишига сабаб, бу ерда яшаб ўтган аждодларимиз тошони йўниб, иморат, турархона қуришган, рўзгор идишларни ясаган, санъат асарларини яратишган, аёллари эса миллий каштачилик, зардўзлик билан шуғулланишган. Айтишларича, Бухоро, Қашқадарь, Самарқанд беклари мономларини тиккан тўнлар, хонлик либосларини кийишган. Ҳозирда ёшларимиз сангтарошлик ва наққошлик сирларини мукаммал ўлаштириб олишган. Айниқса, аёлларимизнинг қўли меҳнати билан яратилган сўзаналарга ҳатто хориқлик мижозларининг ҳам таъбири ортиб бормоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, ёшлар ҳалол меҳнат қилиб, нафақат ўз оиласига, маҳалла, қишлоқ ва юртига фойдаси тегаётган. Ота-оналари, ҳамюртларининг дуосига, олқишига сазовор бўлишмоқда.

Маҳалламиз фарзандларни гивҳандлик, ичкилик-оқиллик, турли ёт гоғлар ва бузғунчи оқилларга алданиб қилиш, "одам савдоси" каби иллатларга асло қўйин йўлламайди. Улар орасида фан, спорт, адабиёт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритган соҳирдорлар ҳам бор. Бундай ёшлар маҳалламиз фахри. Кун келганда айтиб ўтиш жоизки, маҳалламиздан иктидорлик, нуфузли одам етишиб чиқса, "менинг қўшимчи" ёки "менинг маҳалладошим", деб гурулланиб юрамиз. Аксинча бўлса-чи... Бағримиздан ситилиб чиқиб, дунёни ташвишга солаётган террорчилик қўшилиб, ватан хонинга айланган, ўз тили, динидан воз кечиб ёт гоғларга қўл бўлган кимсалар ҳам бегона эмас, бизнинг фарзандларимиз. Уларнинг таълим-тарбияда йўл қўйган хатоси эса ўзимизнинг камчилигимиз. Бугунги таҳдидли, тахлилчи замон фарзандларимиз тарбиясида маҳалла масъулиятини, эътиборини янада кучайтиришни тақозо этади.

**ХАЛКАРО ЭЪТИРОФ: ДУНЁГА
АНДАЗА БУЛГАН ЎЗБЕК МОДЕЛИ**

Дунёнинг нуфузли минбарларида, демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қўлбал халқаро анжуманларда таниқли экспертлар, ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар ва давлат арбоблари томонидан Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги қўмандаси фуқароликлар, хусусан, маҳалла институтининг миллий давлатчилик тарихида тугатган бетакдор ўрни юқори баҳолиноқда.

Айниқса, баркамол авлодин тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўзаро ҳамжихатлик, би-

родарлик, тинчлик-тотувлик ва меҳр-оқибат каби миллий кадриятлар қарор топишида ўзбек маҳаллаларининг бошқа давлатларга намуна сифатида тавсия этилиши ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғуларини оширади.

Хусусан, Испанияда нашр этиладиган "La Gaceta" газетасида чоп этилган "Фуқаролик институтининг ўзбек модели" сарлавҳали мақолада шундай дейилади: **Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг маҳалла маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик органи сифатида қайта тикланди. У бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Бу институт жуда кўп ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишида, жамиятда маънавий-ахлоқий кадриятларни асраш, ҳар томонлама соғлом, етук авлодин тарбиялаш ва жамоатчилик тартибини сақлашда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар ва болаларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, кексаларга ҳамхўрлик кўрсатиш, ёшларни кадриятлар асосида тарбиялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф-муҳитни муҳофазалаш каби масалалар маҳалланинг муҳим вазифалари сирасига киради.**

Алонсо МАРКОС,
Сан Пабло Мадрид
университети профессори:

— Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида маҳалла, яъни ўзини ўзи бошқариш органининг мақоми мустаҳкамлаб қўйилган. Маҳалла эзгу кадриятларни асраш, айниқса, ёш авлодин тарбиялашда алоҳида ўринга эга. Мамлакат бўйлаб кенг миқёсда "Оила — маҳалла — таълим муассасалари" ҳамкорлик механизми фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, у ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини намойён этиш, юзага келган масалаларни ўз вақтида самарали ҳал этиш имконини яратди. Ўзбекистонда ҳар йилни доллар аҳамият касб этадиган муайян ижтимоий йўналишга бағишлаш бўйича яхши анъана йўлга қўйилган. Масалан, 2015 йил кекса авлод вакилларига ҳамхўрлик қилишга бағишланди. Бу йил эса "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, бу каби хайрли ишлар маҳалла иштирокида ҳаётга жорий этилади. Бундан ташқари, турли авлод вакиллари иштирокида спорт бешлашувлари, маданий танловлар, хашар, Наврўз сингари халқ сайиллари ёш авлод қалбига унинг келатган юртига меҳр туйғуларини мустаҳкамлайди.

Сердж ЭМБАХЕР,
Германия Фуқаролик
масъулияти федерал
тармоқининг эксперти:

— Мен Ўзбекистонда бўлган чоғларимда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқароларнинг фаол қатнашини таъминлашда, ёш авлодин тарбиялашда маҳалла улкан хисса қўшаётганлигига ғувоҳ бўлганман. Ўз моҳиятига кўра, ноёб ҳисобланган маҳалла институтини ёшларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, турли соҳаларда аёллар ва оналар ўрнини мустаҳкамлаш, кексаларга ҳамхўрлик кўрсатиш, жамиятнинг заиф қатламларига меҳр-шафқатли бўлиш, кичик ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таътиб этилишига муносиб хисса қўшмоқда. Мен ҳатто ривожланган давлатларга ҳам ўзбек маҳаллаларини ўзини ўзи бошқариш органи сифатида тавсия қилган бўлардим.

Лаоде КАМОЛИДДИН,
Индонезия, Малаю
университети профессори:

— Ўзбекистон халқи асрлар давомида маҳаллаларда истиқомат қилиб келган. Фуқаролар бугунги кунда турли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўзлари ҳал этишмоқда, аждодларининг бой маданий меросини авайлаб-асрашмоқда ва уларнинг эзгу амалларини ривожлантиришмоқда, мустаҳкам ҳамда соғлом оила шаклланишида, ҳар томонлама баркамол ёш авлодин тарбиялашда фаол иштирок этмоқда. Маҳалла факатгина фуқароларнинг ижтимоий бирлашмаси эмас, у чуқур тарихий илдизга эга, маҳалла ёшлар онгига маънавий-ахлоқий кадриятларни сингдиришга, уларда ўз ватанига, маданияти ва анъаналарига садоқат туйғуларининг мустаҳкамланишига кўмаклашди. Мустақиллик йилларида қайта тикланган бу таълимнинг замирида энг эзгу демократик кадриятлар ётадики, бу замонавий Ўзбекистон эришган муҳим муваффақиятлардан биридир.

Давид ГЕЙЕРТС,
Бельгия парламенти
депутати:

— Мен Ўзбекистонни яхши биламан. Нафақат парламент аъзоси, балки Хейст-оп-ден-Берг шаҳри мэрининг ўринбосари сифатида ҳам бу ердаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтларини ривожлантириш тажрибасидан, хусусан, маҳалла органи фаолиятиндан катта таассуротлар олганман. Мен ўзбек маҳалласини замонавий демократиянинг ноёб намуналаридан бири деб баҳолайман. Миллий урф-одатлар ва анъаналарга содиқ, ёлғиз кексалар ва ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатаётган ёшларни қўриб ҳавасим келди. Шунингдек, одамларнинг бир-бирига эътибори, ўзаро ҳамжихатлиги, айниқса, катта ҳурмат, кичикларга иззат қабилида ўзгаларнинг тақдирига, ёшлар тарбиясига бефарқ эмаслиги тахсинга сазовордир. Айниқса, ёшларнинг кексалар-



га ақтиром кўрсатиши алоҳида эътиборга лойиқ. Улар жамоат транспортларида ўзидан катталарга жой бўшатилшари, ўзига ҳурмат билан салом беришлари, бой маънавият ва юксак ахлоқ-одобини ифодалайди.

Ким Санг Хён,
Корея Республикаси, Сонг
Кюн Хван университети
профессори:

— Маҳалла Шарқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, оила институтини кадриятларини сақлаш, баркамол авлодин тарбиялаш имконини беради. Қўнча тарихга эга бўлган ва миллий кадрият ҳисобланадиган маҳалла ўзбек халқининг ҳаёт тарзи ва менталитетини акс эттиради. Ўзбекистон Президенти И.Каримов шарофати билан маҳалла институтини бугунги кунда маданий элита даражасига кўтарилди. Бу, ўз навбатида, республиканинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада оширишга ҳам хизмат қилади. Маҳалла одамларнинг бир-бирига ҳурмати ва жипслигини ривожлантиради. Оила ва маҳалла институтлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, яхлит бир занжирни ташкил қилади. Маҳалла оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллаларда ҳаётини тарқибаси боғи, обрўли кишилардан иборат яраштирув комиссияларининг оилалардаги тинчлик-тотувлигини сақлаш, ёш болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини ҳеч бир давлатда қузатмаганман десам муболага бўлмас. Ўзбекистондаги маҳалла институтини умуминсонийлик йўлида катта кадрият касб этади. Шу сабабли ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон номоддий мерос объектига рўйхатига киритиш зарур, деб ҳисоблайман.

Энг масъулиятли, энг шарофли ва-зифа бу фарзанд таълим-тарбиясида, дейилади миллий кадриятларимиз манбаи саналган Ҳадиси шарифда. Асосий Қонунимизнинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Давлатимиз раҳбари "Амалга оширадиган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш — брўг келажакимизнинг асосий омилидир", деб номланган маърузасида таъкидлаганидек: **"Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзинимизга тасаввур этамиз. Айни вақтда бугунги шиддатлиқ замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдинкига янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда"**. Бу сўзлар маънавиятимизга ва оёйишта ҳаётимизга таҳдид солаётган терроризм, миссионерлик, ахборот хуружлари каби турли бузғунчи кучлардан фарзандларимизни асраш мақсидида ҳар биримизни оғоҳликка ундайди.

Самандар АСТОНОВ,
Республика бош
прокуратураси Вояга
етмаганлар ҳақидаги
қонунлар ижроси устидан
назорат бўлими бошлиғи:

— Буюк мутафаккир бобомиз Абдулла Авлонийнинг "...тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё наҳот, ё халокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур", деган сўзлари фарзандларимиз маънавиятига қаратилган турли таҳдидлар қучайган бугунги кунда ҳар қачонгидан қўра, долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, ёшлар тарбиясида озгина лоқайдлик, эътиборсизлик ҳам тузатиб бўлмас фожиаларни келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, дунёвий, илмий ва ахлоқий савиясини ошириш, сохта диний гоғлар ва ақидапарастликка қарши мустаҳкам тафаккурни шакллантириш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама соғлом, етук баркамол авлодин тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўғил-қизла-

римизни ёт гоғлар ва "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш борасида Ички ишлар вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот Маркази, "Қамолот" ЁИХ ва Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Қўшма қарор тасдиқланган.

Бугунги кундаги болаларнинг дунёқараш бундан 20-30 йиллар аввалги, дейлик, 12-18 ёшдаги тенгқурларидан тубдан фарқ қилади. Глобаллашув жараёни, шиддат билан ўсаятган техник тараққиёт даврида тинчлигимизни қўролмайдиган турли бузғунчи оқиллар ёшлар онгини заҳарлаш, маънавиятини бузишда улкан имкониятларга эга. Бу каби иллатларнинг олдини олишда "жаҳолатга қарши маърифат", деганларидек, жамоат ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорликда олиб бораётган тарғибот тадбирлари ижобий натижа бермоқда. Жумладан, ўтган йил мобайнида ҳамкор ташкилотлар билан "Ўзбекистон тинчлик ва барқарорлик йўлида", "Терроризм тараққиёт душмани", "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра" каби мавзуларда 8 633 дан ортиқ турли учравуш ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ёшларни фойдали машғулотларга жалб этиш, уларни касб-хўнарга йўналтириш ва меҳнат бандлигини таъминлаш ҳам прокуратура фаолиятининг узвий йўналишларидан биридир. Бу борада коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, ҳуқуқбузарликка мойил, нотинч оила фарзандларини спорт тўғрисидаги жалб этиш, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари янада жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Маълумки, ҳар бир боланинг кўп вақти оила, ота-она бағрида, маҳалласида ўтади. Вояга етмаган ҳар бир боланинг таълим-тарбияси учун, энг аввало, ота-она масъулдир. Фарзанд тарбиясига озгина лоқайдлик ва беэътиборлик тузатиб бўлмас фожиаларни келтириб чиқаришни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу нуктаи назардан ўтган йил давомида вояга етмаган фарзандларини ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш мақсидида таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятларини баҳармаган 12 427 нафар ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўнғилочар жойларда туғи вақтда вояга етмаганларнинг бўлишларини олдини олиш мақсидида 12 800 та беҳаёлик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар йўқ қилинди. Амалга оширилётган кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида айни вақтда вояга етмаганларнинг жиноятчилиги 8,4 фоизга қамайди. Хулоса ўрнида таъкидлашни истардимки, фарзандларимизнинг маънавиятига, келажакига таҳдид солаётган бузғунчи кучлар авж олган бугунги кунда ҳар бир ота-она ўғил-қизлари бўш вақтида қаерда, нима билан машғул, дўстлари қимлигини билиши шарт ва бир лаҳза ҳам уларнинг тарбиясига эътиборни сусайтиришга ҳаққимиз йўқ.

Исмолиддин ХОЛИҚОВ,
ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш бош
бошқармаси бўлими
бошлиғи:

— Мамлакатимизда баркамол авлод таълим-тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу сабабли, мустақил Ўзбекистонимизда вояга етмаган ёшлар тарбияси масаласига дахлдор бўлмаган бирорта ташкилот ёки шахсининг ўзи йўқ, десак муболага бўлмайди. Болаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, одоб-ахлоқига жавобгарлик масъулият давлт идоралари, жамоат ташкилотлари билан бир қаторда ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла фаолларининг олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Баркамол авлодин тарбиялашда "оила — маҳалла — таълим муассасалари ҳамкорлиги" концепцияси ёшлар-

ни миллий истиқлол гоғларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида муҳим дастуриламал бўлди.

Маҳаллаларимизда миллий кадриятларни асраш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда "Соғлом авлод учун", "Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси" ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган турли тадбирлар, ўғил-қизларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом инсон бўлиб етишишларида муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, маҳаллаларда доимий равишда ўтказиладиган "Мен, отам ва онам", "Футболимиз келажаклари", "Биз кучли ва соғлом оила", "Маҳалламиз полковлари" каби спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Ички ишлар органлари томонидан прокуратура, адлия идоралари, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жағфармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлимлари, ўрта махсус касб-хўнар таълими, халқ таълими бошқарма (бўлим)лари масъул ходимлари, кекса мураббий ўқитувчилар, намунали оилалар, ота-оналар, маҳалла фаолларидан иборат доимий фаолият юритувчи мониторинг гуруҳлари тузилиб, фаолият кўрсатиб келаятганлиги алоҳида таъкидлаш лозим.

Мониторинг гуруҳларига вояга етмаган шахсларнинг гайриижтимоий ҳаётини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилаётган шахсларни, фарзандларига таълим-тарбия бериш вазифаларини баҳармаётган, уларга салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарни аниқлаш, уларга ижобий таъсир кўрсатиш, улар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилиш, шунингдек, вояга етмаганларни ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз қўнғилочар (дам олинми) жойларда туғи вақтда бўлишларини олдини олиш борасидаги ишларни ташкил этиш вазифаси оқлатилган.

Шунингдек, маҳаллалардаги "Яраштириш" комиссияларига ички ишлар органлари томонидан оливарий низолар, бола тарбияси билан шуғулланмаётган ота-оналар масалалари бўйича 51 мингдан ортиқ ҳужжатлар юборилиб, 30 мингдан ортиқ оилалардаги нотинчликларга барҳам берилди, 18 мингдан ортиқ ёш оилаларнинг ахвали кетишидан, вояга етмаганларнинг етим қилинишдан сақлаб қолинди.

Тахлиллар шуни қўрсатадики, ақсар ҳолларда болаларнинг туғи вақтда қўнғилочар масканларда назоратсиз юриши, глобаллашув жараёнида турли йўллар билан сўқилиб қираётган миллий ва умуминсоний кадриятларга зид гоғлар таъсирига тушиб қолаётгани вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда. Вақоланки, амалдаги қонунларимизда бундай ҳолатларга қарши жавобгарлик чоралари белгиланган.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексога 2010 йилда киритилган қўшимчаларга кўра, ресторан, кафе, бар, клуб, дискотека, кинотеатр, компьютер заллари ёки бошқа қўнғилочар жойларнинг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслар вояга етмаганларнинг туғи вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйса, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жаримага тортилди. Шунингдек, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига асосан, ҳар бир ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар вояга етмаган фарзандларининг таълим муассасаларидаги ўқиш вақтида ҳамда туғи вақтларда қўнғилочар масканларга бормаслиги учун жавобгардирлар.

Ўтган давр ичнда ушбу йўналишда амалга оширилган кенг қўламли тадбирлар ва тушунтириш ишлари самарасида ота-оналар томонидан вояга етмаган фарзандларини туғи вақтларда назоратсиз қолдириш ҳолатлари кескин қамайди. Қўнғилочар жойлар раҳ-

барларининг бу борадаги масъулияти ортди. Бироқ бу каби қонунбузилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Ўтган 2015 йил давомида ўтказилган тадбирлар натижасида вояга етмаганларни туғи вақтларда қўнғил очиб жойларига бўлишига йўл қўйганликлар учун жами 590 нафар муассаса раҳбарлари, 827 нафар ота-оналар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Беҳаёлик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тайёрлаш, мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар натижасида 1075 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, қонуний чоралар қўрилди.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларга мойил вояга етмаганларни соғлом турмуш тарзига қайтариш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсидида юртимизнинг ҳар бир маҳаллаларида мавжуд миллия таянч пунктларининг 85 фоизи атрофида спорт майдончалари, 70 фойиздан ортиғи атрофида факультатив тўғараклар, кичик бизнес шохобчалари ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, фарзандлар таълим-тарбияси учун нафақат ота-она, балки ўқув муассасалари, маҳалла ва кенг жамоатчилик бирдай жавобгардир. Халқимизда "Биринки мингта, мингники туманга", деган гап бор. Бу ҳикмат замиридаги бир бола тарбиясига беэътиборлик, лоқайдлик жабрини бутун эл-улус тортиши мумкинлигини унутмайлик.

Алижон ОЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги Ҳуқуқий
тарғибот ва ҳуқуқий таълим
бошқармаси бошлиғи:

— Албатта, бугунги кунда ўзбек маҳаллалари анъанавий кадриятлар ва замонавий реаликни ўзига муассасам этган. Баркамол авлод ва қомил инсон таълим-тарбиясида маҳалланинг бетакдор ўрни ҳақида буюк аждодларимизнинг улуг ҳикматлари айни кундаги глобаллашув жараёнида барчамиз учун ўзига хос тарбиявий усул вазифасини ўтайди. Хусусан, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятини тобора юксалтиришда азалӣ кадриятларимизнинг ўрни беқийёс аҳамиятга эга.

Жумладан, бу борада ўтган 2015 йилда 1 миллион 256 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилиб, уларда қарийб 13 миллионга яқин киши қатнашди. Унда асосан ёшлар тарбиясига эътибор қаратилди.

Тахлиллар шуни қўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар ақсарият ҳолларда дунёқароши тор ёки ҳуқуқий онги яхши шаклланмаган, маҳалла-қўйдан ўзоқлашганга мойиллиги бор шахслар томонидан содир этилади. Ҳуқуқий тарбиянинг мукаммал эмаслиги, ўз навбатида, уларни жиноят қ

Эътибор

Онамнинг исмини
унинг вафотидан сўнг билдим

КУНЛАРИНИНГ биринчи кунини кўриб қўларимга ишон-
мадим, чунки мен бир умр исми "Гильмия",
деб билган онамнинг исми "Гайльмейр", деб
— Россия ҳудудидagi синглимникида доимий пропискада яшаб турган онам нуроний ёшда вафот
эди. Ўлими Россия ҳудудидagi ФХД бўлимида қайд этилган.



Мен эса Ўзбекистонда яшайман.
Синглим амалдаги қонун талабларига кўра, она-
миздан қолган меросни Россия ҳудудида онам-
нинг охириги доимий яшаш жойидagi нотариал
идорада расмийлаштириш кераклигини, онамдан
қолган мерос мулкда биринчи навбатдаги ме-
росхўр сифатида меннинг ҳам улушим борлигини
маълум қилди. Мен унга меросдаги улушимдан
воз кечаман, дегандим, ундай бўлса меросдан
воз кечиш ҳақида нотариал тасдиқланган ариза
қўришим кераклигини айтиди ва онамнинг ўлими
ҳақидаги гувоҳномасини менга почта орқали қўри-
ди.

Ўлим гувоҳномасини кўриб қўларимга ишон-
мадим, чунки мен бир умр исми "Гильмия",
деб билган онамнинг исми "Гайльмейр", деб
кўрсатилган эди, меннинг тузилганлик гувоҳнома-
да эса "Гильмия", деб ёзилган. Онамнинг фами-
лияси эса иккита гувоҳномада бир хил эди. Онам
ҳаётида бирор киши уни "Гайльмейр", деган
ном билан атаганини эшитмаганман.

Энди нима қилишимни билмай қолдим. Тузил-
ганлик гувоҳномадagi ёзув билан ўлим гувоҳно-
масидagi ёзув бир-бирига тўғри келмапти. Ту-
зилганлик ҳақидаги гувоҳномам собиқ СССР дав-
рида Қозоғистон ҳудудида қайд этилган, чунки
ўша ерда оилавий яшаган эканмиз.

Ўқориди мисолда энди меросдан воз ке-
чмоқчи бўлган аёл синглисининг тузилганлик гу-
воҳномасида онасининг исми қандай ёзилганли-
гини билиши, қолаверса, синглиси Россияда ўзи
яшаётган ердаги фуқаролик ишлари бўйича судга

Раъно ҲАҚБЕРДИЕВА,
Чирчиқ шаҳар 4-сон давлат нотариал
идораси нотариуси

Ҳуқуқий маслаҳатхона

МЕРОСГА бўлган ҳуқуқ бўйича гувоҳномалар бериш тўғрисидаги са-
волларимга жавоб берсангиз?
— Меросга бўлган гувоҳномани олиш учун қайси нотариусга мурожаат
қилиш керак?

Гулнора ШОЙМАРДАНОВА, Жарқўрғон тумани

— Мерос очилган жойдаги нотариусга меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра,
меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар олиш учун мурожаат қилиниши керак.
— Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар нота-
риуслардан ташқари қайси мансабдор шахслар томонидан тегишли тар-
тибда шаҳодатлантирилган бўлиши лозим?
— Нотариуслардан бошқа мансабдор шахс, яъни Ўзбекистон Республикаси
консуллик муассасаларининг консуллари томонидан тегишли тартибда шаҳодат-
лантирилган бўлиши лозим.
— Меросхўр шахсан ўзи мерос очилган жойдаги давлат нотариал идо-
рага келиб, аризани тақдим этган ҳолда унинг имзосини ҳақиқийлигини
шаҳодатлаш талаб этиладими?
— Имзо ҳақиқийлиги талаб этилмайди.
— Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда мерос-
дан воз кечишга ҳақими?
— Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз
кечишга ҳақи.
— Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб
олиниши мумкинми?
— Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши
мумкин эмас.

Саволларга Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туман 2-сон давлат
нотариал идораси нотариуси Баҳром ЭЛМУРОДОВ жавоб берди.

— ҲАДЯ шартномаси одатдаги шартномалардан фаркланадими?
А.АБДУЛЛАЕВ, Тошкент вилояти

— Ҳа, у баъзи ҳуқуқий белгиларига кўра, одатдаги шартномалардан фарқ қила-
ди. Айтилик, бундан мазкур турдаги шартноманинг ҳақиқий саналмаслиги ҳоллари-
да ҳам қўриш мумкин. Битимларнинг ҳақиқий саналиши учун одатда қўйиладиган
шартлардан ташқари, ҳадяда, биринчидан, ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбу-
риятдан озод қилиш шаклидаги ҳадя ашёсини (предметини) аниқ кўрсатиш керак;
иккинчидан, ҳадя предмети ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг тириклигида топи-
рилиши керак. Шунингдек, юқоридagi учта ҳолат бўйича тузилган шартномалар,
албатта, оддий ёзма шаклда тузилиши, кўчмас мулкларни ҳадя қилиш эса аниқ
пайтда нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам керак.

Саволга Зангиота туман 8-сон давлат нотариал идораси
нотариуси Хусан АҲМЕДЖАНОВ жавоб берди.

Жиноят ва жазо

Тамагирлик
у инсонни жарга қўлатади

БЕШ қўл баробар эмас. Орамада имконияти,
яшаш тарзи турлича бўлган одамлар ҳам яшайди.
Айтмоқчи бўлганимиз, уларнинг кўпчилиги давлати-
миз кўмағига муҳтож. Ортимида кам таъминланган,
боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар,
фахрийлар, ногиронлар, етим-есирлар ҳамда кам
таъминланган оилаларга ҳар томонлама моддий
ёрдам кўрсатиш аҳли анъанага айланган. Бундай
инсонпарварлик тамойили давлатимиз тараққиёти-
ни, нуфузини оширишга, тинчлик-фаровонлиқни
таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди юқори-
да айтиб ўтганимиз — кўмакка муҳтож фуқароларни
ижтимоий ҳимоялаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш
иши билан шуғулланади. Кам таъминланган оила ва-
киллари тўлов-контракт асосида тахсил олаётган ёки
тўй, оилавий тантаналарни ўтказаятган бўлса, уларнинг
ҳаражатларига кўмаклашиши, кам таъминланган оила-
ларга бир бошдан қорамол ажратилиши бўйича так-
лифлар ишлаб чиқиши керак. Аммо бу фонд ходимла-
ри ичида тамагирлик деган иллатга илашиб қолаёт-
ганлари ҳам бор экан...

Чин етим бўлганлиги сабабли Рустам Аҳадов (исм-
фамилиялар ўзгартирилган) моддий ёрдам сўраб, ўзи
яшаётган ҳудудга — Ғаллаорол туман Маданият қишлоқ
фуқаролар йиғинига мурожаат қилган эди. Унинг бу
мурожаати йиғин аъзолари томонидан қаноатлантирил-
ди. Унга бир бош қорамол олиш учун айрим ҳужжатлар
тўпланди...

Хуллас, ўтган йилнинг июль ойида "Маҳалла" хайрия
жамоат фонди Ғаллаорол туман бўлими бошлиғи бўли-
мда катта ҳисобчи бўлиб ишлаётган Шўхрат Рўзиевга
бир талай ҳужжатлар йиғма жилдини беради. Булар
Маданият қишлоқ фуқаролар йиғини комиссиясининг
фуқаро Р.Аҳадовга қорамол учун 1.500.000 сўм ажра-
тиш тўғрисидаги йиғилиш баённинг қарорига асосан
қорамол олиш учун бўлим томонидан 1.500.000 сўм мод-
дий ёрдам берилиши тўғрисидаги ҳужжатлар эди. Бош-
лиқ унга ҳужжатларда камчиликлар борлигини ва улар-
ни тўғрилаш кераклигини айтиди. Бу орада "Агро-
банк" туман филиали орқали Р.Аҳадовнинг пластик кар-
точкасига ушбу маблағ тушади. Шундан сўнг катта
ҳисобчи Шўхрат Рўзиев Р.Аҳадовни қаҳириб, — "олин-
ган маблағ учун тўплаган ҳужжатларда айрим камчи-
ликлар бор, уларни тўғрилаш керак. Акс ҳолда ҳужжат-
ларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари тек-
ширса, иш яхши бўлмайди", — дейди. Р.Аҳадов эса
тумандаги тегишли идораларни билмаслигини айтга-
нида, Ш.Рўзиев 200.000 сўм пул эвазига барча камчи-
ликларни бартараф қилишини айтиди. Албатта, Р.Аҳа-
дов унга рози бўлади, фақат илтимос, 200 минг эмас,
150 минг бера оламан, дея келишиб олишади.

Ушбу ҳаракатлар ноқонуний эканлигини пайкаган
Р.Аҳадов, тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-
лардан бирга мурожаат қилади. Унинг бу хатти-ҳара-
катидан беҳабар Шўхрат Рўзиев эса ўзи яшаб турган
ижара уйида келишилган пулни ундан олиб қолади.
Тезкор ходимлар ўтказган тадбирда Шўхрат Рўзиев-
нинг қилмиши фош бўлади.

У қонуний жазосини олди. Тамагирлик ҳар қандай
даврда ва жамиятда қоралangan. Шундай экан, бу ил-
латга барча бирдай қарши қурашиши, бунга йўл қўйил-
маслиги керак. Акс ҳолда...

Шоди ОТАМУРОД,
журналист

Реклама



2016 йил 17 февралда

Moody's

халқаро рейтинг агентлиги

“Асака” Акциядорлик
тижорат банкининг

рейтингини тасдиқлади

Барча рейтинглар истиқболи

“БАРҚАРОР”

Хизматлар лицензияланган.

Мусобақа

Ёш ҳуқуқшунослар мунозараси

АЙТИШ жоизки, Тошкент давлат юридик
университетда ўқув жараёнини талабаларда
таҳлилий қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқ-
лигини, ўқитишнинг замонавий шакл ва методла-
ри, педагогик, ахборот-коммуникация, инноваци-
он технологиялар асосида ташкил этиш мақсади-
да турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири талаба-ёшларнинг
нотариал маҳорати ва санъатини янада такомил-
лаштириш мақсадида ташкил этилди.

Тошкент давлат юридик университетда "Камо-
лот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар ке-
нгаши ҳамкорлигида "Мунозара" турнирининг ички
якуний босқичида "Lagist" ва "Fan" жамоалари ўзаро
бахслашди.

Университетнинг қирқ бир жамоаси орасидан са-
раланган ёш ҳуқуқшунослар нафақат ўз соҳаси, бал-
ки бугунги глобаллашув жараёнлари, электрон жам-
ланмалар ва китобларнинг ўзига хос хусусиятлари,
замонавий технологиялар ривожининг инсонларга
таъсири каби мавзуларда ўзаро куч синашди.

Ушбу тадбир мамлакатимизда мустақил фикрлай-
диган ёшларни тарбиялаш, уларда тизимли таҳлил
қилиш, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара
олиб бориш қобилиятларини ривожлантириш, та-
лаба-ёшларда ватанпарварлик ва фаол фуқаролик
позициясини шакллантириш, ўртага қўйилган
муаммага ҳолис ёндаша олиш, ўз фикрларини асос-
лаш ва аниқ баён қилиш малакаларини шаклланти-
ришда кўмак бериши билан аҳамиятлидир.

"Мунозара" турнири бўйича университет чемпи-
онлигини 1-курс талабаларидан ташкил топган
"Lagist" жамоаси қўлга киритди.

Шерзод ПЎЛАТОВ,
ТДЮУ "Камолот" ЁИХ бошланғич
ташкilotи етакчиси,
2-босқич магистранти

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйиладиган нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Самарқанд вилояти
Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хоразм вилояти
Урганч шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилояти
Юқоричирчиқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйиладиган нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Тўртқўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Элликқалъа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро вилояти
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ғижувон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Вобkent туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Жиззах вилояти
Жиззах туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фориш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пахтакор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қамаш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Денов туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти
Тўрақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Поп туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Уйчи туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти
Ангрен шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйиладиган ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Берилган шаклда тўғрилланган шахсий варақ;
4. Меънат дафтаридаги нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусха;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқлан-
ган нусхаси;
6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака
комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин
нотариус лавозимига уч йил иккинчи даражасида ишлаётган талабгорлар эса малака
имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қарори-
дан кўчирма);
7. Охириги иш жойидан берилган меънат фаолияти тўғрисидаги тасдиқнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга,
юридик матахассислик бўйича камидан уч йил муддатли иш стажига эга бўлган,
иш жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтихо-
нини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси
2016 йил 31 март)
Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали
тақдим этилади. Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Наманган вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 февралдаги 30-ум
сонли буйруғига асосан "АДВОКАТ СЕРВИС РЎЙИ" адвокатлик бекор экан-
лиги Султанова Муҳаммад Қўҳрамовнага бошқарма томонидан 2015 йил 24
июнда берилган № 000207-сонли лицензиянинг амал қилиши ҳамда адво-
катлик маҳорати фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси
лавозимига тайинланганлиги сабабли мўайян муддатга тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Мир-
зо Улугбек туман 1-сон давлат нотариал идораси
нотариуси ёрдамчиси Искандар Раҳимовга онаси
Оқсулув РАХИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

(Газетанинг навбатдаги сони 2016 йил 6 март кўни чиқади)

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАСССА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 тоқтарда
Ўзбекистон
Министрлиги томонидан
0001-решение билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Усманов Анвар
Акрамович
Очлов Алижон
Муҳлисович
Мамадалиев Зайниддин
Очлович
Эргашева Дилфуза
Рустамовна

Навбатчи
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-
дизайнер
Тўлқун
РАУПОВ

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва
саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон"
нашриёт матбаа иқодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Ушбу сонда ўзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 22786.
Буюртма S-5280.
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш.
Буюк Ипак йўли кўчаси-1.
Тел: 268-19-74,
Факс: 268-19-31
Обуна бўлими: 268-19-97
Баҳоси кўрсатилган нархда
1 2 3 4 5